# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 39 (5643). 26 февраль, 1976 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Кеча Москвада, Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ўз ишини давом эттирди.

Съездда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар бошланди.

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

25 февраль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXV съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезднинг эрталабки мажлисида КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. СИЗОВ ҳисобот докладини қилди.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишга киришди.

Мажлисда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. ГРИШИН, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. КУНАЕВ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, Кемерово областидаги «Нагорная» шахтаси механизациялашган забой тозалаш бригадасининг бошлиғи Е. И. ДРОЗДЕЦКИЙ, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. МАШЕРОВ, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. СОЛОМЕНЦЕВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар қизғин кутиб олган Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЭДВАРД ГЕРЕК, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЛЕ ЗУАН съездни табрикладилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш давом этди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ, К. И. Фролов номли Иваново меланж комбинатининг йигирувчиси А. Ф. ЕРОФЕЕВА ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ФИДЕЛЬ КАСТРО РУС, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЭРИХ ХОНЕККЕР, Чехословакия Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг бош секретари, ЧССР Президенти ГУСТАВ ГУСАК ўртоқлар съездни табрикладилар.



Москва. Кремлнинг Съездлар саройи. КПСС XXV съезди мажлислар залида. ТАСС фотохроникаси.

## ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини комил ишонч билан амалга ошираётган совет халқининг барча бунёдкорлик ишларида партиямизнинг ленинча донолиги мужассамланган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг синалган авангарди, у эришган тарихий ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир. КПССнинг XXV съезди ҳақиқатан ҳам улуғвор ишларнинг якунларини, янги тарихий босқичда партия билан халқ ҳаётининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқда.

Съезднинг биринчи кунида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан XXV съездга ҳисобот доклади қилди. Бу доклад ер юзидаги миллион-миллион кишилар сингари съезд делегатлари ва меҳмонларига барча совет кишиларига чуқур илҳомбахш таъсир ўтказди. Докладда партиянинг ички ва ташқи сиёсати, ривожланган социализмнинг буюк ғалабалари, ҳозирги халқаро вазият, коммунистик қурилишнинг илҳомбахш истиқболлари, марксча-ленинча илмий нигизда чуқур анализ қилинган, янги-янги вазифалар баён этилган. Ҳисобот доклади партияни коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги муфассал ҳаракат программаси билан қуроллантиради. Бу доклад партиямизнинг марксизм-ленинизм улуғ байроғига чексиз содиқлигидан яққол далолат беради.

КПСС XXIV съезднинг совет жамиятини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиққан планлари партия раҳбарлигида муваффақиятли равишда амалга оширилди. Экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, халқ фаровонлигини оширишдаги муваффақиятлар партиямиз билан ватанимиз учун ифтихор туйғусини кучайтирмоқда.

Ўтган беш йиллик якунларини чиқарар эканмиз, деди нотиқ, КПСС Марказий Комитетининг актив, собит қадам фаолиятига муносиб равишда жуда юксак баҳо бериш лозим. Марказий Комитет, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳаёт томонидан ўртага қўйилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг мураккаб проблемаларини халқимиз, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари манфаатларини, коммунистик қурилиш иши манфаатларини кўзлаб, донишмандлик билан ижодий ҳал этмоқдалар. Улар жамики ишларда партия турмушининг ленинча нормаларига, коллектив раҳбарлик принципига, бирлик ва жипслиққа қаттиқ риоя қилмоқдалар, ҳар бир партия ташкилотига, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қарамоқдалар.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Марказий Комитет, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, бутун партиямиз ишига жуда катта ҳисса қўшмоқда. Партия, совет халқи Леонид Ильични атоқли сиёсий ва давлат арбоби, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган матонатли марксчи-ленинчи, битмас-туганмас куч-ғайрати жўш уриб турган, одамларни жипслаштириш, уларнинг куч-ғайратини ўртада турган вазифаларни бажаришга қаратишга моҳир истеъдодли ташкилотчи деб билиб, уни юксак қадрламоқдалар. Партиянинг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг сиёсатини халқимиз ялписига қўллаб-қувватламоқда.

Съездда бир миллион коммунистдан вакил бўлиб қатнашаётган Москва делегацияси КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, ҳисобот докладидаги ҳамма қоидалар ва хулосаларни батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди.

Ўртоқ В. В. Гришин москвликларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати туфайли пойтахт экономикасини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилганлигини гапириб берди.

Беш йиллик мобайнида яхши натижаларга эришилди, деб таъкидлади нотиқ, бироқ резерв ва имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Саноатнинг айрим тармоқларида фондларнинг самарадорлиги пасаймоқда, корхоналарни реконструкция қилиш сust олиб борилмоқда.

КПСС XXIV съездида москвликлар олдига сиёсий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга молик вазифа — Москвани намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифаси қўйилган эди. Москвликлар бу вазифани ҳал этишга жонбозлик билан киришдилар. Улар корхона ва ташкилотларни ишлаб чиқариш ва тадқиқотлар самарадорлиги, уларни техника билан қуроллантириш ва технология, меҳнат ва турмуш шароитлари жиҳатидан намунали корхона ва ташкилотларга айлантириш ишини кучайтириб юбордилар. Шаҳарсозликни такомиллаштириш, социал ва тарбиявий проблемаларни ҳал этиш йўллари белгиланди. Пойтахтни намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифасини планли равишда ҳал этиш мақсадида Москванинг Бош плани амалга оширилмоқда, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик ва йиллик комплекс планлари тузилмоқда. Шаҳарни 1976—1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этиш планини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнгра нотиқ Москва партия ташкилотининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларини гапириб берди. Тўрт миллионга яқин кишини ўз ичига олган сиёсий ва иқтисодий таълим системаси ишлаб турибди. Умумий ўрта таълимга ўтиш вазифаси амалий равишда ҳал этилди. Ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоғи кенгайтирилди. Меҳнаткашларни тарбиялашда, уларнинг маънавий талабларини қондиришда ижодкор зиёлилар катта роль ўйнамоқдалар, деб уқтирди ўртоқ В. В. Гришин.

КПССнинг бошқа ҳамма отрядлари каби Москва шаҳар партия ташкилоти ҳам съездни сиёсий жиҳатдан етилган, ижодий куч ва ғайратга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олди, деди сўзининг охирида ўртоқ В. В. Гришин.

Пойтахт коммунистлари, барча москвликлар ўнинчи беш йилликни меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга, уни халқ фаровонлигини янада ошириш ва улуғ Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш йўлида сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантиришга азми қарор берганлар. Нотиқ Москва коммунистлари партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизмнинг янги ғалабалари учун, марксизм-ленинизм ғояларининг тўла тантанаси учун курашдаги куч-ғайратларини янада оширадилар, деб партия XXV съездини ишонтирди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Шчербицкий** айтдики, бутун совет халқи, чет эллардаги миллион-миллион дўстларимиз КПСС XXV съездини чинакам тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа деб зўр мароқ билан қутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети номидан ўртоқ Л. И. Брежнев қилган ҳисобот доклади ҳаммада кучли, унутилмас таассурот қолдирди, партиямиз учун, ажойиб халқимиз учун зўр ифтихор туйғусини бахш этди. Докладда мамлакатни узоқ истиқболда янада ривожлантиришнинг салмоқли программаси баён этиб берилди, бу программа бутун ишимизга асос қилиб олиниши шубҳасиз. Марказий Комитетининг ҳисоботи, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «...биз муқаррар, шитоб билан коммунизм сари бораётганлигимизни» яққол кўрсатиб турибди.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг фаолиятини таърифлаб, уни кўп қирралн, жўшқин ва самарали фаолият деб атади.

КПСС XXV съездига Украина Компартиясидан республиканинг 2 миллион 633 минг коммунисти вакил қилиб юборган делегатлар КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, Марказий Комитетининг ҳисобот докладида баён этилган ҳамма қоидалар, хулосалар ва вазифаларни тўла-тўкис ва батамом маъқуллайдилар, деди ўртоқ В. В. Шчербицкий. Биз съездимиз Марказий Комитетнинг ишига, ўртага қўйилган вазифаларга баҳо беришда ўзининг тўла якдиллигини намойиш қилишига ва шу тарика бутун партиямизнинг мустаҳкам бирлигини яна бир карра тасдиқлашига қаттиқ ишонганлигимизни изҳор этамиз.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари КПССнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти масалаларига катта эътибор берди.

У Украина ССР экономикасини ривожлантиришнинг ўтган беш йиллигидаги якунлари тўғрисида гапириб шуни таъкидладики, республика экономикаси мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси тарихида муттасил яхши суръатлар билан узлуксиз ривожланиб борди. Унинг илмий-ишлаб чиқариш потенциали анча кўпайди, халқ фаровонлиги ва маданияти ошди. Беш йил мобайнида пландан ташқари 6,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Қишлоқ хўжалиги янги погонага кўтарилди. Дон, картошка, сабзавот, гўшт ва сут тайёрлаш 1,3—1,4 баравар кўпайди. Халқ хўжалигида 80 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ўнинчи беш йиллик планларининг бажарилиши, деб таъкидлади нотиқ, ҳаммамиздан ташаббус, қатъият билан ишлашни, ишга янгича ёндошишни, ташкилотчилик ва идеологик ишнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

(Давоми 3-бетда).

## В. И. ЛЕНИН МАВЗОЛЕЙИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС XXV съезди Президиумининг бошқа аъзолари, КПСС ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳон коммунистик ҳаракатининг йўлбошчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори В. И. Ленин мавзолейига 25 февраль куни гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбарнинг қизил лентасига: «Владимир Ильич Ленинга. КПСС XXV съезди делегатларидан» — деган сўзлар ёзилган.

(ТАСС).

## ЗЎР ИФТИХОР

Биз барча прогрессив инсоният, бутун совет кишилари сингари КПССнинг XXV съезди ишини зўр қизиқиш ва қониқиш билан кузатиб бормоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладида партиямизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида эришган муваффақиятлари ёрқин мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Докладни тинглар эканмиз, Совет Иттифоқининг халқаро мақёсдаги обрў-эътибори нақадар ортиб бораётганлигини яна бир бор яққол ҳис этиб, фахрландик.

Докладда халқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини бундан буён янада юксалтиришнинг истиқболлари ва бу соҳадаги вазифалар бирма-бир кўрсатиб берилди. Биз партия ходимлари олдига ҳам янги вазифалар қўйилди. Партиямизнинг асосини ташкил этувчи бошланғич ташкилотнинг жанговарлик ва ташаббускорлик қобилиятини ошириш учун бундан буён ҳам тинмай курашамиз. Колхоз меҳнаткашлари, коммунистларнинг куч-ғайрати, барча резервлар ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этилади.

Далаларимизда ҳозирнинг ўзидаёқ иш қизғин борянти. Бу йил 6,100 центнер сабзавот етиштириш, шу жумладан, давлатга 5.900 центнер сабзавот топшириш учун бел боғладик. Чорва қишловини муваффақиятли якунлаш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳамма ерда социалистик мусобақа кўтаринки руҳ билан давом эттирилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз КПСС XXV съезди белгилаб берадиган янги тадбирлар янги-янги марраларни эгаллашда катта роль ўйнайди.

**С. АИТУБОЕВ,**
Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

# КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ

## КОМИССИЯ РАИСИ ЎРТОҚ Г. Ф. СИЗОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар! Партиямизнинг съезди коммунистларнинг ва Советлар мамлакатидаги барча меҳнаткашларнинг ҳаётида ҳамиша буюк ва тўлқинлантирувчи воқеагина бўлиб қолмай, халқаро миқёсда ҳам катта воқеадир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг олий органи қилинган ишларни якунлайди ва келгуси даврга мўлжалланган йўлни белгилаб беради. Шу сабабли совет коммунистлари, кўп миллатли бутун улуғ совет халқи партия съездларини ўз тарихининг энг муҳим босқичлари деб биладилар. Биз КПСС XXV съездини партиямиз ва мамлакатимиз учун буюк ифтихор туйғулари билан, коммунизм қурилишида ва тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда эришилган жуда катта муваффақиятлардан самимий мамнуният туйғулари билан, келажакка, бизнинг олдимизда очиб берилаётган порлоқ истиқболларга зўр ишонч билан кутиб олдик.

Леонид Ильич Брежнев партия Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида қилган ажойиб докладида булар тўғрисида ёркин ва яққол гапириб берди. Докладда партиянинг ички ва ташқи сиёсати марксча-ленинча чуқур таҳлил этилди ва Ватанимизнинг коммунизм сари олга ҳаракат қилиб бориш йўлидаги вазифалари белгиланди.

Ҳаммамиз партия Марказий Комитетининг КПСС XXV съездига Ҳисобот докладини зўр мамнуният билан дилга жо қиламиз ва қизғин маъқуллаймиз.

Бажарилган ва бажарилиши лозим бўлган асосий ишларга назар солар экамиз, чин кўнгилдан самимий қувонмай иложимиз йўқ. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларининг амалга оширилиши коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишга муносиб ҳисса қўшишни, халқ хўжалигининг тез ривожланишини, халқ фаровонлигини, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини анча юксалтиришни таъминлади. Бизнинг социалистик демократиямиз доим такомиллашиб бормоқда, фан ва маданият янгиданянги муваффақиятларга эришмоқда. Эндиликда ўнинчи беш йилликнинг буюк вазифаларини бажариш соҳасида зўр ғайрат билан иқтидорий меҳнат қилишимиз керак.

Ташқи сиёсат соҳасида КПСС XXIV съездида Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан илгари сурилган ва асослаб берилган Тинчлик программасининг асосий мақсадларига эришилди. Биз бундан буён ҳам янги уруш хавфини йўқотиш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат билан қиладиган ишларимизни давом эттиришимиз лозим.

Совет халқининг барча муваффақиятлари Коммунистик партиянинг собиткадам, кўп қиррали фаолияти билан, Марказий Комитет, унинг тинчлик ва коммунизм учун атоқли курашчи КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси амалга ошириб келаётган самарали раҳбарлик билан чамбарчас боғланган!

Ўртоқлар! КПСС Марказий Ревизия комиссияси ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни партия съезднинг таслиғига тақдим этар экан, қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди: Марказий Ревизия комиссияси ўзининг бутун ишида КПСС XXIV съезднинг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларига амал қилди, ўзининг диққат-эътиборини партия бюджетининг бажарилиши, партиянинг пул ва моддий воситаларининг тежамкорлик билан ва мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан контролни амалга оширишга, маҳаллий партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг амалий фаолиятида уларга ёрдам беришга қаратди. Кўп миллионли партиямизнинг молиявий хўжалиги катта ва мураккаб бўлиб, доим эътиборни ва бу хўжаликни тўғри юритишни талаб этади.

Марказий Ревизия комиссияси барча аъзолари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ишида, комиссиянинг мажлисларида ва амалий фаолиятида, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда актив қатнашдилар.

Марказий Ревизия комиссияси партия Уставига мувофиқ партиянинг марказий органларида ишларнинг тез ва тўғри бажарилишини назорат қилиб турибди.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси Марказий Комитет аппарати Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатининг топшириқларини зўр масъулиятни сезган ҳолда ғоят ва оператив бажариб келаётганлигини. Марказий Комитет олаётган ҳужжатларга, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларига сезгирлик ва эътибор билан ёндошаётганлигини маълум қилади. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасида кўп иш қилинди.

Марказий Ревизия комиссияси Марказий Комитетнинг ишлар бошқармаси билан биргаликда партия Марказий Комитетининг тасдиғига топириладиган партия бюджети лойиҳаларини, шунингдек бу бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили қараб чиқади.

КПСС Марказий Комитети партиянинг молиявий хўжалиги, пул ва моддий воситаларни тежамкорлик ва тадбиркорлик билан сарф қилиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Ўтказилган текширишлар партия бюджетининг маблағлари КПСС Марказий Комитети томонидан тасдиқланган бюджетга асосан тўғри ва мақсадга мувофиқ сарфланаётганлигини кўрсатди.

Партия бюджети кейинги йилларда даромадлар ҳаражатлардан оширилган ҳолда бажарилмоқда. Маълумки, партиянинг пул маблағлари партия аъзолиги взносларининг олинишидан ва партия нашриётларининг фойдаларидан олинадиган тушумлардан таркиб топади. Партиянинг пул маблағлари тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги натижасида, шунингдек партия хўжалигини моҳирлик билан юритириш ва партия бюджетининг ижроси устидан доимий контроллик амалга оширилиши натижасида даромадларнинг кўпайишига эришилди.

Ҳисобот даврида партия бюджетининг даромад қисми партия аъзолиги взнослари тушуми ҳисобига, шунингдек партия нашриётларининг фойдаларидан ажратмалар ҳисобига 50 процентдан зиёд кўпайди. Партия аъзоларидан олинадиган взнослар партия даромадлари умумий суммасининг учдан икки қисмини ташкил этади. Бу взнослар партия сафларининг ўсиши ҳисобига ва иш ҳақи умумий миқдорининг ортиб бориши ҳисобига йил сайин кўпаймоқда.

Партия взносларини тўлаш — партиянинг ҳар бир аъзоси ва партия аъзолигига кандидат бўлган ҳар бир кишининг энг биринчи бурчларидандир. Шу сабабли партия взносларини ўз вақтида ва тўғри тўлаш масалалари доим партия ташкилотларининг диққат марказида турибди ва уларнинг фаолиятида бу масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги вақтларда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, шунингдек ревизия комиссиялари партия аъзолиги взносларини тўлаш устидан контролни кучайтирдилар ва ишни яхшилаш ва бу соҳадаги камчиликларни йўқотиш учун кўп иш қилдилар.

Москва шаҳар ва область партия комитетлари, Ленинград область партия комитети, Латвия, Литва, Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетлари, Украина, Белоруссия ҳамда бошқа иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари ва бир қанча область партия комитетлари, Краснодар ўлка комитети, Иваново, Курган область партия комитетлари партия фаолиятининг ана шу муҳим соҳасида кўп иш қилмоқдалар.

Ўтказилган текширишлар партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлар партия аъзолиги взносларини одатда белгиланган муддатларда ва КПСС Уставида белгиланган миқдорда тўлаётганликларини кўрсатади.

Афсуски, бизда баъзи коммунистлар партия аъзолиги взносларини ўз вақтида тўламаётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам бор. Аммо партия интизомининг бузилишига доир бундай фактлар партия бюроларида ёки партия йиғилишида онда-сонда муҳокама қилинади, ваҳолонки партия Устави бундай фактларни муҳокама қилишни талаб этади. Айрим коммунистлар партия аъзолиги взносларини тўла иш ҳақидан, мукофотларнинг баъзи турлари ва гонорардан тўламаётганлигини кўрсатадиган фактлар учраб туради.

Бир қанча партия ташкилотларида партия кассасига тўланмай қолаётган взнослар талайгина суммани ташкил этади. Масалан, Орёл область партия ташкилотида партия аъзолиги взносларини тўлиқ тўламаслик каби ҳоллар кўп учради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, взнослари тўлиқ миқдорда тўламаслик каби ҳодисалар кўп ҳолларда коммунистларнинг аъзолик взносларини тўлаш юзасидан белгиланган тартибни билмасликлари орқасида рўй бермоқда, партия ташкилотлари эса айрим ҳолларда тушунтириш ишларини кўнгилдагидек олиб бормаётирлар ва бу ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун зарур чораларни кўрмаётирлар.

Айрим партия ташкилотлари коммунистлардан тушаётган аъзолик взносларини белгиланган муддатда омонат кассаларига топшириш тартибини бузмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети интизомнинг умуман ўсганлигини таъкидлаш билан бирга партия взносларини тўлашда қарздор бўлиб қолиш каби айрим фактларга, баъзи коммунистларнинг взносларни тўла иш ҳақидан тўламаслиги каби ҳолларга йўл қўйиш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтади. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари партия аъзолиги взносларини қабул қилиш ва ҳисобга олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан қаттиқ контроль ўрнатилишини таъминлашлари лозим.

Партия пул маблағларининг иккинчи манбаи партия нашриётларининг фойдаларидан ажратиб берилаётган маблағлардан иборат. Бу маблағлар партия бюджети даромадининг учдан бир қисмини ташкил этади.

Бизнинг партиямиз матбуотга доим катта эътибор бериб келмоқда. Партия органлари, нашриётлари фаолияти кўламларининг доим ортиб бораётганлиги марксча-ленинча адабиёт, газета ва журналларни зарур бўлган тиражда босиб чиқаришни таъминлайди.

Партия нашриётлари ҳозирги вақтда 386 марказий, республика, ўлка, область газеталари ва ёшлар газеталарини кунига 86 миллион нусха, 273 журнални 81 миллион нусха чоп этмоқдалар. Тўққизинчи беш йиллик даврида газеталарнинг тиражи 29 процент ва журналларнинг тиражи 17,5 процент кўпайди. Шу давр ичида нашриёт ва ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда 32 процент ортди. Партия нашриётларининг ишлаб чиқариш-техника базаси янги техникани, прогрессив технология жараёнларини жорий этиш, шунингдек янги қурилиш ҳисобига мустаҳкамланди. Беш йилликда жами 24 та

полиграфия корхонаси ва 38 та редакция корпуси ишга туширилди.

Таллин, Қозон, Уфа, Днепропетровск, Донецкда ва бошқа шаҳарларда газета, журналлар босиб чиқариладиган янги корхоналар вужудга келтирилди. Бу корхоналарда область, республика газета ва журналларигина эмас, марказий газета ва журналлар ҳам чоп этилмоқда.

Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш натижасида меҳнат унумдорлиги ошди. Газеталар чоп этиладиган янги корхоналарнинг ишга туширилиши, газета саҳифаларининг алоқа каналлари орқали юборилиши газеталарни босиб чиқариш муддатларини қисқартириш учун ва мамлакатнинг кўп шаҳарларида маҳаллий газеталарнигина эмас, марказий газеталарни ҳам эрталабки почтада газетхонларга етказиб беришни таъминлаш учун имконият туғдирди.

Коммунистик партия халқнинг ҳаётини яхшилаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг асосий мазмуни деб билади. Партиямизнинг Марказий Комитети босмахоналар, нашриётлар ва партия нашриётлари редакциялари ишчи ва хизматчиларининг эҳтиёжи тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ҳам доим ғамхўрлик қилмоқда. Уй-жой қурилиши, маданий-маиший муассасалар ва болалар муассасалари қурилиши учун йил сайин кўпроқ маблағ ажратиб берилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, ишчилар ва инженер-техник ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шарт-шароитлари жорий қилинди.

Шу билан бирга биз нашриётлар ва босмахоналарнинг ишидаги мавжуд камчиликларга эътибор бермай қололмаймиз. Москвада «Правда» нашриётининг газета босиб чиқариладиган янги корхонасини, Ригада Латвия Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета-журнал комплексини қуриш ишларида белгиланган муддатларга риоя қилинмади.

Баъзи нашриётларда материаллар тежаб-тергаб сарф қилинмаётир, иш ҳақи фондининг ортиқча сарф қилинишига йўл қўйилмоқда. Маҳсулотнинг баъзи турларини ишлаб чиқаришда зарар кўрилмоқда.

1975 йилда қоғозни сақлаш ва ташиш ишлари қониқарсиз уюштирилганлиги натижасида нормада белгиланганидан ортиқ чиқитлар Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида 246 тоннани, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида 406 тоннани ташкил этди.

Баъзи газета ва журналларнинг редакциялари чоп этиш графикларига риоя қилмаётганлиги босмахоналарнинг ишини қийинлаштиради, қўшимча моддий сарфларга сабаб бўлади, хусусан вақтли матбуотнинг газетхонларга етказиб берилишини кечиктиради.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари бу соҳада газеталар бош редакторларининг, шунингдек нашриёт директорларининг масъулиятини оширишлари лозим.

Марказий Ревизия комиссияси 1974 йилда партиянинг энг йирик нашриёти — «Правда» нашриётининг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолиятини ревизия қилди.

Нашриёт коллективи тўққизинчи беш йилликда полиграфия саноатининг техникаси ва технологиясини такомиллаштириш соҳасида анча иш қилди, ишлаб чиқариш қувватлари ўсди, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш даражаси ошди. Меҳнат унумдорлиги соҳасида энг юксак даражага эришилди, тўққизинчи беш йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

Аммо нашриётнинг фаолиятида бир қанча нуқсонлар борлиги ҳам аниқланди.

Марказий Ревизия комиссияси 1975 йилнинг охирида нашриёт ишини иккинчи марта текшириб кўрди ва ўз таклифлари бажарилаётганлигини ҳамда кўпгина нуқсонлар бартараф қилинганлигини аниқлади.

Партия бюджетининг харажат қисмини таҳлил этишга ижозат бергайсиз.

Марказий Ревизия комиссияси қуйидагиларни маълум қилади: ҳисобот даврида партиянинг ҳамма харажатлари партия аъзолиги взнослари олинишидан ва партия нашриётларининг фойдаларидан ажратилган маблағлар ҳисобигагина амалга оширилди. Бу маблағлар Марказий Комитет ва маҳаллий партия органларининг кенг кўламдаги ташкилий-партиявий ва сиёсий фаолиятини амалга ошириш учун партия томонидан қилинган ҳамма харажатларни таъминлаш ва ҳозирги вақтда таъминлаб турибди.

Партия Марказий Комитети, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежнев партия хўжалиги ва партия органлари ҳамда партия муассасаларининг эҳтиёжлари тўғрисида, шу жумладан хизмат биноларини қуриш ва жиҳозлаш масалалари тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқдалар.

Партия бюджетининг талайгина маблағи партия кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига сарф қилинмоқда. Бизнинг партиямиз бу масалага жуда катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда партия бюджетидан ажратиб берилган маблағ ҳисобот даврида 24 процент кўпайди; партия пропагандаси учун қилинган харажатлар 41 процент ортди.

Партия Марказий Комитети коммунистларнинг марксча-ленинча таълимини юксалтириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда, пропаганда ишини янада яхшилаш ва такомиллаштириш зарур эканлигига партия ташкилотларининг эътиборини жалб этмоқда.

Аммо партия ташкилотларининг ҳаммаси ҳам партия пропагандаси учун ажратиб берилаётган маблағлардан тўла фойдаланмоқдалар, деб бўлмайди.

Масалан, КПСС Липецк область комитети 1975 йилда оммавий-сиёсий ишларни, пропагандистларнинг семинарлари ва лекцияларини ўтказиш учун ажратилган маблағнинг 15 минг сўмидан фойдаланмай қолди, Калинин, Омск партия комитетлари ва бошқа баъзи партия комитетлари ўша йили шу мақсад учун ажратиб берилган маблағлардан тўла фойдаланишмади.

Ҳисобот даврида социалистик экономика, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тобора ўсганлиги ва ривожланганлиги, бир қанча йирик саноат корхоналари ишга туширилганлиги, Байкал—Амур магистрали, Кама автомобиль заводи каби улкан иншоотлар ва бошқа энг йирик объектлар қурилиши муносабати билан янги шаҳарлар ва район марказлари вужудга келди. Бу шаҳар ва район марказларида бошланғич партия ташкилотлари ҳамда раҳбар партия органлари ташкил этилди.

Айни вақтда хўжалик ва маданий қурилиш ўсиши, аҳолининг сони ҳамда партия сафларининг ўсиши муносабати билан, шунингдек партия органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва яхшилаш, уларнинг корхона ҳамда муассасаларнинг ишига кўрсатадиган таъсирини кучайтириш мақсадида партия комитетлари ихчамлаштирилди ва бир қанча область, шаҳар партия комитетлари, шаҳар ва қишлоқ район партия комитетлари янгидан ташкил этилди.

Янгидан тузилган ана шу партия комитетлари учун партия аппаратининг хўжалик ишлари ва ҳаражатларига қўшимча маблағ сарфлаш талаб этилди.

Ана шу мақсадлар учун қилинадиган харажатлар партия бюджети даромад қисмининг оширилиб бажарилиши ҳисобига ва партия бюджети ҳаражат қисмининг баъзи моддаларига тежалган маблағлар ҳисобига қопланди.

Партия комитетларининг ғоят кўпчилиги хўжаликни тўғри олиб бормоқдалар, бюджет интизомига қатъий риоя қилинмоқда, деб мамнуният билан таъкидлаб ўтиш мумкин.

Аммо баъзи партия ташкилотларида бюджет интизоми ҳали ҳам бузилмоқда. Бу ҳол сметанинг айрим моддалари бўйича ажратиб берилган маблағларнинг ортиқча сарф қилинишида кўрилмоқда.

Бу гап аввало, сметанинг почта-телеграф, телефон, канцелярия, командировка ҳаражатлари, хўжалик чиқимлари каби моддалари бўйича маблағларнинг ортиқча сарф қилинишига таалluқлидир.

1974 йилда Курск область партия ташкилотида областдаги 24 қишлоқ райкоми ва 2 шаҳар партия комитетидан 10 таси маблағларнинг ана шу мақсадлар учун ортиқча сарф қилинишига йўл қўйганлар.

Бошқирдистон область партия ташкилотининг шаҳар ва район партия комитетлари ўша йили сметанинг айрим моддалари бўйича 30 минг сўм, шу жумладан хўжалик харажатлари бўйича 19 минг сўм ортиқча маблағ сарф қилинишига йўл қўйганлар. 1975 йилда Ставрополь ўлкаси, Белгород областидаги бир қанча шаҳар ва район партия комитетларида ва бошқа партия ташкилотлари ҳам ортиқча сарфларга йўл қўйганлар.

Айрим партия комитетлари фойдаланилмай қолган маблағларни бошқа ишлар учун ва сметада кўзда тутилмаган мақсадлар учун сарф қилмоқдалар.

Марказий Ревизия комиссияси ишлар бошқармасида партия органлари партия муассасаларининг хизмат биноларини, партия нашриётларининг полиграфия корхоналарини, уй-жойларни қуриш юзасидан КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган план қандай бажарилганлигини ва ана шу қурилиш учун ажратиб берилган маблағлар тўғри сарфланаётганлиги ёки йўқлигини текшириб чиқди.

Шуни айтиш керакки, Марказий Комитетнинг ишлар бошқармаси ва жойлардаги партия органлари қурилиш соҳасида кўп иш қилмоқдалар.

Ўтган беш йилликдагина ана шу мақсадлар учун партия бюджетидан қилинган харажатлар аввалги беш йилликдагига нисбатан 50 процент ортди.

Кейинги йилларда қурилишнинг катта программаси бажарилганлиги ва қурилиш ишларининг сифати яхшиланганлиги натижасида партия муассасаларининг ишлаши ва уларнинг меҳнаткаллари қабул қилиши учун қулайроқ шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Шу билан бирга қурилиш ишларини ташкил этиш ва қурилиш жараёнида ҳали ҳам катта камчиликлар бор. Баъзи область, ўлка ва республикаларда капитал маблағ сарфлаш юзасидан белгиланган планлар бажарилмаётир, қурилиш муддатлари ҳаддан ташқари узайтириб юборилмоқда.

Ўртоқлар! Марказий Ревизия комиссияси КПСС Уставига мувофиқ, партия Марказий Комитетининг кассасини муntазам равишда текшириб турди. Текшириш натижасида касса операцияларини олиб боришда ҳеч қандай нуқсонларга йўл қўйилмаганлиги аниқланди.

Партия органларининг молия-хўжалик фаолиятини контроль қилиш юзасидан маҳаллий партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари зиммасига катта вазифалар юкланган. Бу комиссияларнинг кўпчилиги ўз вазифаларини муваффақиятли бажарди.

Ўртоқлар! Меҳнаткашларнинг ҳатлари устида иш олиб бориш — партия фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети шахсий характердаги, шунингдек ижтимоий характердаги минг-минглаб хат олмоқда. Турли таклифлар, истак ва маслаҳатлар баён қилинган ҳатларнинг сони ортиб боряпти. Бу ҳатлар бутун партия ва давлат ишини такомиллаштириш учун янги имкониятларни вужудга келтиради. КПСС Марказий Комитети буни меҳнаткашларнинг ўз Коммунистик партиясига ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатувчи далил деб, партиянинг раҳбарлик роли қонуний равишда ўсиб бораётганлиги натижаси ва социалистик демократияни изчил ривожлантириш натижаси деб баҳолайди.

Совет кишилари ўзларининг кўп ҳатларида коммунистик қурилиш планлари оғишмай амалга ошириладиганлиги учун, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасидаги амалий тадбирлар учун самимий ташаккур изҳор қиладилар, партиянинг ленинча ташқи сиёсатини, унинг мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун изчиллик билан олиб бораётган курашини астойдил маъқуллайдилар.

Кўпгина ҳатларда партия ташкилотлари ва ишчи коллективларининг ишда ишчанлик, осойишта кайфият вужудга келтирилганлиги учун, меҳнатни ташкил этиш, моддий фаровонликни ўстиришга тааллуқли асосий масалалар ва бошқа масалалар ўз вақтида ҳамда тўғри ҳал этилаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик изҳор қилинади.

Ҳатларни анализ қилиш шуни кўрсатадики, меҳнаткашлар кадрларни ҳурмат қилиш билан бирга уларга принципиал талабчанлик билан қараш учун партия томонидан вужудга келтирилган муҳитга юксак баҳо бермоқдалар. Ҳатларни ёзган кишилар корхона, муассаса ва ташкилотлардаги айрим раҳбарларнинг ишида рўй бераётган камчиликларга муросасиз қарай бошладилар.

Ўй-жой масалаларига доир ҳатларнинг кўпида ўй-жой майдонларини кенгайтириш, алоҳида-алоҳида шинам квартиралар билан таъминлаш ҳақида кўп талаблар қўйилмоқда. Шу билан бирга ўй-жойларни тақсимлаш юзасидан белгиланган тартиб ҳали ҳам бузилаётганлиги ҳақида, ◆ бюрократизм, сансалорлик фактлари ва баъзи мансабдор шахсларнинг суиистеъмоллари ҳақида бир қанча йирик шаҳарлардан кўп шикоятлар олинмоқда. Шикоятларнинг талайгина қисми меҳнат масалаларига тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Марказий Комитет секретариати меҳнаткашларнинг ҳатларига доим катта эътибор бериб, бу ҳатлар юзасидан зарур чораларни кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси партия Марказий Комитети бўлимларида, КПСС Марказий Комитетининг газеталари ва журналлари редакцияларида меҳнаткашларнинг ҳатлари юзасидан қандай иш олиб борилаётганлигини мунтазам текшириб турди.

Бўлимлар бу ишда кўпгина ижобий тажриба тўпладилар. Марказий Комитетнинг бўлимлари муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш вақтида меҳнаткашларнинг ҳатларида баён қилинган истак ва маслаҳатларни ҳисобга оладилар. КПСС Марказий Комитетининг бўлимларида КПСС XXV съезди номига ёзилган ҳатларни ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилди. Шу съездга материалларни тайёрлаш вақтида ана шу ҳатлардаги таклифлар ва мулоҳазалардан кенг фойдаланилди.

Марказий Комитетнинг бўлимлари қорхоналар ва қурилишларда, министрликлар, идоралар, муассасаларда, колхоз ва совхозларда гражданларнинг ҳатларини қараб чиқиш ва уларни қабул қилиш ишини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Улар ариза ва шикоятларнинг талайгина қисмини ҳар бир жойнинг ўзида қараб чиқмоқдалар. Бўлимларнинг ходимлари КПСС Марказий Комитетига мурожаат қиладиган гражданларни шахсан қабул қилишда доим қатнашиб турибдилар. Хат ёки шикоят билан мурожаат қилган ҳар бир кишига Марказий Комитет аппаратининг ходимлари одатда батафсил жавоб қайтарадилар ёки бу хат ва шикоятларга маҳаллий партия органлари орқали тўлиқ жавоб берилади.

КПСС Марказий Ревизия комиссияси ҳам меҳнаткашларнинг хилма-хил масалалар юзасидан ёзган кўп хатларини олиб турибди. Бу хатлар эътибор билан қараб чиқилмоқда ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Маҳаллий партия ва совет органлари, газеталарнинг редакциялари, шунингдек республика, ўлка ва область партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари меҳнаткашларнинг хатларини қараб чиқиш ва уларни қабул қилишни уюштириш соҳасида, меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари тўғри қараб чиқилиши устидан жойларда контролни амалга ошириш соҳасида кўп иш қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари бундан буён ҳам меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари юзасидан иш олиб боришни яхшилашлари ва такомиллаштиришлари, хат ва шикоятларни қараб чиқиш устидан контролни кучайтиришлари ва бу ишдаги камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўришлари зарур.

Марказий Ревизия комиссияси маҳаллий партия ташкилотларининг ревизия комиссияларига доимо ёрдам бермоқда.

Партияларо алоқаларнинг умумий планига мувофиқ аввалги ҳисобот даврида ҳам қардош марксчи-ленинчи партиялар ревизия комиссиялари билан иш тажрибаси алмашилди. Бизнинг делегацияларимиз Болгария, Германия Демократик Республикаси, Монголия, Польша, Чехословакия қардош партиялари ревизия комиссияларининг ходимлари билан учрашиб турдилар.

Ўртоқлар, янги беш йиллик планининг асосий йўналишлари лойиҳасида мамлакатимиз халқ хўжалигини ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш программаси баён қилинган. Ана шу асосий йўналишлар лойиҳасининг съезд олдидан муҳокама қилинганлиги бутун совет халқи партиянинг йўлини яқдиллик билан қизғин маъқуллаганлигини кўрсатди ва партия билан халқнинг бирлига доим мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир марта намойиш қилди.

Ўртоқлар! Бизнинг совет халқимиз КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларидан илҳомланиб. Ленин партияси раҳбарлигида янги ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратини сарф қилади.

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — улуғ Ленин партияси! **(Узоқ давом этган қарсаклар).**

# „МОСКВА, КРЕМЛЬ, КПСС XXV СЪЕЗДИГА"

Шу кунларда Кремлнинг Съездлар Саройида партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларидан, меҳнат коллективларидан, Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан, ижодий ташкилотлари ва жамоат ташкилотларидан, коммунистлар, комсомоллар ва ёшлардан, Ватанимиз меҳнаткашларидан минг-минглаб қутловлар, табрикномалар ва меҳнат рапортлари келиб турибди. Уларда Коммунистик партияга умумхалқ меҳр-муҳаббати ва қизғин садоқати, КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш соҳасида илғор коллективлар эришган муваффақиятлар тўғрисидаги, XXV съезд шарафига бошланган вахтадаги ютуқлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги конкрет ҳисоботлар ифода этилган.

Москва меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик топшириқлари ва партия съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятлар пойтахт халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисида КПСС XXV съездига маълумот бердилар. Съездолди мусобакаси давомида Москва корхоналарида кўпгина қимматли ватанпарварлик ташаббуслари ва янгиликлари юзага келди.

РСФСР Олий Совети Президиуми билан республика Министрлар Совети Россия меҳнаткашлари номидан съездни самимий табриклади. Беш йиллик мобайнида бу ерда 800 тадан ортиқ саноат корхонаси 16 мингта цех, участка ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ҳамда автоматлаштирилди, маҳсулотнинг ўн мингтадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Барча иттифоқдош республикаларнинг қардошлик ёрдами туфайли Байкал-Амур магистрали қурилиши кенг миқёсда авж олиб кетди. Бу магистрал бўйларида қозиргача 28 та уй-жой посёлкаси қад кўтарди, БАМ—Тинда, Усть—Кут—Звёздний темирйўл магистралларида ҳамда Амур ва Лена дарёлари устига қурилган ноёб кўприкларда поездлар барвақт қатнай бошлади.

Иттифоқдош республикаларнинг Компартияларининг Марказий Комитетлари, Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Ўзбекистон, Латвия Совет Социалистик Республикаларининг Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советлари, коммунистлар, барча меҳнаткашлар номидан Ленин партиясининг олий органи ишига муваффақият тилаб эзгу истаклар билдирдилар.

Ленинградликлар рапортида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Ҳар бир ходимнинг юксак иш сифатидан — коллектив меҳнатининг юксак самарадорлигига эришайлик» шиори остида бошланган ҳаракат асосида область меҳнатчилари партия съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажардилар. Иваново, Горький, Свердловск, Брест областлари ва бошқа кўпгина областлар меҳнаткашларининг рапортларида ҳам съезд делегатлари съездолди меҳнат вахтасида эришилган юксак ғалабалари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришга асос бўлганлиги тўғрисидаги сатрларни ўқишлари мумкин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг байроқдорлари—Владимир Ильич номли Москва электр механика заводининг, Ленинграддаги «Кировский завод», Свердловскдаги «Уралмаш», Львовдаги «Электрон» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари, кон-руда саноатининг илғор бригадалари, Олтой ўлкаси ва Ростов областининг қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам КПСС XXV съездига қизғин салом йўллаганлар.

М. В. Фрунзе номли Москва ип-газлама фабрикасининг тўқувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXV съезднинг делегати М. Иванникова съезд номига қуйидагиларни ёзибди: «Съездга меҳнатдаги ўз муваффақиятларим тўғрисидагина эмас, шогирдим, ёш тўқувчи Алла Воронцованинг муваффақиятлари ҳақида ҳам рапорт бермокчиман. Шогирдим иш нормасини 109 процент бажармоқда, нуқул биринчи сорт газлама ишлаб чиқармоқда 14 ўрнига 18 тўқув станогида ишламоқда. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топширигини 7 октябргача бажариб бўлиб, пландан ташқари 47 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини оламан».

«Съезд арафасида хонадонимизга хуш хабар келди: Менга «Қаҳрамон она» деган фахрий унвон берилди., —деб ёзади Херсон областидаги «Красний партизан» совхозининг ходимаси Т. Коваленко. —Эрим билан мен фарзандларимизни яхши, софдил, меҳнатсевар одамлар қилиб тарбиялаяпмиз. Фарзандларимиз — бизнинг қувончимиз, фахримиз, келажагимиздир. Жонажон партия, Совет ҳукумати ёш авлоднинг бахтиёрлиги, оналарнинг ҳурмат ва иззатга сазовор бўлиши учун йил сайин тобора кўп иш қилмоқдалар. Бу эса биз каби оналар учун катта бахтдир. Шунинг учун ҳам оддий деҳкон сифатида мен Коммунистик партия, шахсан Марказий Комитетнинг Бош секретари Л. И. Брежнев' ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун ҳормай-толмай қилаётган ишлар учун уларга ҳамма оналар номидан астойдил миннатдорчилик изҳор этаман. Ўртоқ делегатлар, сизларнинг ҳаммангизга совет кишиларининг ҳаёти янада соз ва кўркам бўлиши учун партиянинг ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли муҳокама қилишингизни тилайман».

Партия, меҳнат, уруш ветеранлари ҳам съездга эзгу сўзлар билан мурожаат қилганлар. Совет ёшлари қандай ишлаш ва курашиш кераклигини Коммунистик партиядан ўрганадилар, дейилади ВЛКСМ Марказий Комитетининг табрикномасида Ёш авлод совет беш йилликлари йўлида янги жасоратлар кўрсатишга шай бўлиб турибди.

Съезд номига рапортлар, қутловлар, мактублар, телеграммалар кетма-кет келиб турибди.

(ТАСС мухбири).

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ САРИ

(Боши биринчи бетда).

Бизнинг партиямиз, деди ўртоқ В. В. Шчербицкий, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг революцион байроғини баланд кўтариб бормоқда,— ўзининг тарихий вазифасини шараф билан бажармоқда. XXIV съезддан кейинги вақт ичида партиямизнинг совет халқининг сиёсий йўлбошчиси сифатидаги раҳбарлик ва раҳнамолик роли янада кўпроқ ошди. Бу — ленинчи Марказий Комитетимизнинг, унинг Сиёсий бюросининг хизматидир. Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси, секретариати ўзининг бутун кўп қиррали фаолиятида ҳамма масалаларга илмий ва аниқ мақсадни кўзлаб, реализм руҳида ва олисни кўзлаб ёндошмоқдалар.

Нотиқ шуни маълум қилдики, ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференцияларида, Украина Компартиясининг XXV съездида коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшаётганлиги тўғрисида зўр мамнуният, астойдил миннатдорчилик ва зўр самимият билан гапирдилар. Партиямизнинг ҳамма эътироф этган раҳбари— Леонид Ильич матонатли марксчи-ленинчига хос ажойиб фазилатлари туфайли совет халқининг, барча меҳнаткашларнинг зўр ҳурматини қозонди, шу туфайли ўртоқ Л. И. Брежнев жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг атоқли арбоблари, замонамизнинг энг обрўли сиёсий ва давлат раҳбарлари қаторига кирди.

Ўртоқ В. В. Шчербицкий яна бундай деди: Украина Компартияси ва халқи КПСС XXV съезди ўртага қўядиган катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга тайёрдирлар.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Д. А. Кунаев** минбарга чиқиб бундай дейди: КПСС Марказий Комитети партиянинг бош йўлини изчиллик билан ўтказар экан, доимо КПСС тарихий XXIV съезди талаблари юксаклигида бўлди, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, унинг халқаро обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашни, социалистик демократияни ривожлантиришни, совет халқининг қардошлиги, бирлигини мустаҳкамлашни таъминлаб келмоқда. Ҳисобот докладида ленинчи Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва бутун партиянинг ўтган беш йиллик мобайнида бениҳоя муҳим вазифани ҳал этиш соҳасидаги кўп қиррали ва натижадор фаолияти съездга, мамлакатга ва бутун дунёга жуда батафсил баён этиб берилди.

Қозоғистон коммунистлари 660 минг кишилик армиясининг делегацияси Марказий Комитетнинг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди, докладни Ватанимизнинг янги равнақи ва жаҳон социализмини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларнинг илмий асосланган негизи деб ҳисоблаб, ундаги қоидалар ва хулосаларни қизғин қўллаб-қувватлайди.

Марказий Комитет, Сиёсий бюро, бутун партиянинг уюшқоқ, бениҳоя самарадор фаолиятини таъминлашда революцион давримизнинг атоқли сиёсий арбоби—Леонид Ильич Брежневнинг роли бебаҳодир. Унинг номи, каломи ва иши ер юзидаги меҳнаткаш кишилар онгида бир бутун бўлиб бирлашгандир, чунки улар Леонид Ильич тинчликнинг, чинакам социал адолатнинг толмас жарчиси эканлигини, унинг обрў-эътибори программ мақсадларга Ленин йўлидан аниқ бораётган бутун Советлар мамлакатининг якдиллиги билан доимо мустаҳкамланиб турганлигини яхши биладилар.

Республикамиз партия ташкилоти КПСС раҳбарлигида XXIV съезд қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида катта иш қилди, деб таъкидлади нотиқ. Қозоғистоннинг экономикаси, фани, маданияти XXIV съезд Директиваларига тўла мувофиқ равишда ривожланди. Республиканинг ҳар бир области, райони, қишлоғи, овулида Коммунистик партия иродаси билан ажойиб ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳисобот даврида республика ғаллакорлари билан чорвадорлари ғайрат билан ишладилар. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўртача йиллик ҳисобда 14 процент кўпайди, хўжаликларнинг экономикаси анча мустаҳкамланди. Ҳаддан ташқари ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, республика беш йиллик мобайнида 108 миллион тонна ғалла етиштирди, бу — саккизинчи беш йилликдагидан қарийб 5 миллион тонна кўпдир.

Биз эришган натижалар тасодиф бўлмай, балки ,ленинча миллий сиёсатнинг табиий натижаси, улуғ рус халқи бошчилигидаги барча совет халқлари биргаликда сарфлаган куч-ғайратлар ва қилган ҳамкорликнинг самараси эканлигини жуда яхши биламиз. Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳар томонлама ёрдами туфайли биз ана шундай муваффақиятларга эриша олдик. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикага келишлари, эътибори ва доно маслаҳатлари қозоғистонликларнинг илҳомбахш меҳнати ва муваффақиятларига ёрдам берди.

Нотиқ халқаро кескинлик юмшатилганлиги тўғрисида гапириб бундай деди: Совет — Хитой чегараси дўстлик, ўзаро ишонч ва ёрдам чегараси бўлганлигини биз яхши эслаймиз. Ҳозир эса Хитойда атом васвасаси ва милитаристик жазава кучайтирилмоқда ,антисоветизм ва шунга асосланган туҳмат уйдирмалар авж олдирилмоқда. Маочилар ўз ҳаракатларида аслида энг ашаддий халқаро реакция билан қўшилиб кетдилар. Қозоғистонга қўшни бўлган Синьцзянда оз сонли миллатлар — қозоқлар, уйғурлар, қирғизлар, дунганларга нисбатан шовинистик сиёсат ўтказилаётганлиги натижасида бу миллатлар мутлақо ҳуқуқсиз бўлиб қолди. Бутун меҳнаткаш Хитой халқи каби бу оз сонли миллатлар ҳам Совет — Хитой муносабатларини яхшилашдан манфаатдор бўлмасликлари мумкин эмас. Совет — Хитой муносабатларини Леонид Ильич Брежнев докладида кўрсат ўтилган принциплар асосида қайта тиклаш ўз вақтида қилинган фойдали иш бўлур эди.

Пировардида ўртоқ Д. А. Кунаев бундай деди: КПСС-нинг жанговар отрядларидан бири бўлган Қозоғистон Коммунистик партияси XXV съездни, ленинчи Марказий Комитетни ва Сиёсий бюрони ишонтириб айтадики, қозоғистонликлар бундан буён ҳам Ватан, бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатлари йўлида хормай-толмай меҳнат қила берадилар, ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажарадилар, коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўтган беш йиллик шу кунларда кўз ўнгимизда ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлиб турибди, деди КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. В. Романов** ўз нутқида. Коммунистик партия ўтган беш йиллик давомида энг асосий социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда ҳам, туб халқаро проблемаларни ҳал этишда ҳам жуда катта тажриба орттирди. Совет давлати комил ишонч билан олға бормоқда. Биз улуғвор муваффақиятларга эришдик. Шуларнинг ҳаммаси: Ленин партиясининг сўзи билан иши бир жойдан чиқади! — деган тарихий ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисобот доклади назария билан практика бирлигининг, ленинизмга садоқатнинг янги яққол далилидир. Бу салмоқли сиёсий ҳужжатда партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ҳозирги халқаро вазиятни ва мамлакат ички ҳаётини ленинча батафсил, чуқур анализ қилиб берди, жамиятимизни янада ривожлантиришнинг совет халқи ҳаётий манфаатларига мутлақо мос келадиган илҳомбахш программасини баён этди.

Ленинград партия ташкилотининг делегацияси ярим миллиондан ортиқ коммунистлар армиясининг, барча ленинградликларнинг якдил фикри-зикрини ифодалаб, ҳисобот докладининг қоидалари ва хулосаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг самарали амалий фаолиятини, коммунизм тантанаси йўлидаги, ер юзида тинчлик йўлидаги курашга замонамизнинг буюк сиёсий арбоби — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шахсан қўшаётган жуда катта ҳиссани қизғин маъқуллайди.

Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва секретариатнинг зўр ғайрат билан олиб бораётган кўп қиррали фаолияти халққа хизмат қилишнинг яққол тимсоли, коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш намунаси бўла олади. Қарорларни ишлаб чиқишга илмий асосда, коллективчилик билан ёндашилаётганлиги, бу қарорлар ишчанлик билан юзага чиқарилаётганлиги, кадрларга зўр ишонч ва юксак талабчанлик билан қаралаётганлиги, маҳаллий партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа қилиниб, уларга актив ёрдам берилаётганлиги — партиямиз ленинчи штабининг иш услуби бўлиб қолди, бу услуб партиямизнинг обрў-эътиборини, халқ билан метиндек бирлигини юксалтиришнинг мустаҳкам негизини таъминлаб турибди.

Марказий Комитетнинг доимий ёрдами туфайли, партиянинг иқтисодий стратегияси қунт билан амалга оширилганлиги туфайли Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб бўлдилар. Ишлаб чиқаришнинг 1975 йилда эришилган умумий ҳажми 1970 йилги даражадан анча ошиб кетди. Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар айниқса юксак суръатлар билан ривожланди.

Совет жамиятининг етакчи кучи — қаҳрамон ишчилар синфининг етуклиги ва фидокорлиги тўққизинчи беш йиллик ютуқларида айниқса яққол намоён бўлди, деди нотиқ. Ленинградлик ишчилардан бир миллионга яқин киши меҳнат унумдорлигини оширишнинг комплекс планлари асосида беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш учун мусобақалашмоқда. Ҳозир бу мусобақа такомиллаштирилмоқда, тобора кўпроқ комплекс характер касб этмоқда. «Ҳар бир кишининг юксак иш сифатидан — коллектив меҳнатининг юксак самарадорлигига эришайлик!» шиори остида тобора кучайиб бормоқда.

Нотиқ сўзининг охирида бундай деди: Ленин ишига чексиз садоқатли, партия Марказий Комитети ва унинг ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашган Ленинград шаҳри ва областининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари улуғ ленинчи партиямизнинг XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиладилар.

Кемерово областидаги «Нагорная» шахтаси механизациялашган тозалаш бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Е. И. Дроздецкий** ўз нутқида бундай деди: Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот доклади ҳаммамизни ғоят қизиқтирди, бизга зўр қувонч ва ифтихор туйғуларини бахш этди. КПСС XXIV съездидан кейин мамлакатда нақадар буюк ўзгаришлар содир бўлганлигига, бу съезд турмушимизнинг ҳамма соҳаларига нақадар баракали таъсир ўтказганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиляпмиз. Партиямиз ва унинг Марказий Комитети В. И. Ленин васиятларини сабот ва принципиаллик билан адо этиб, ўзларининг бутун куч ва билимларини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, унинг қудратини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини ва маданиятини оширишга сарфлаб келмоқдалар. Айни шу боисдан ҳам Ленин партияси меҳнаткашларнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва ишончини қозонди.

Нотиқ тўққизинчи беш йиллик мобайнида Кузбасс меҳнаткашлари ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни тавсифлаб, шуни уқтирдики, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг кўмир ва сланец саноати ҳамда шахта қурилиши ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарори Коммунистик партия билан ҳукуматнинг шахтёрларга ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Чет эллардаги айрим кимсалар бизни урушга тайёргарлик кўришда айблашга уринмоқдалар, деди сўнгра Е. И. Дроздецкий. Мен, шахтер ишчи, шу мўътабар минбарда туриб, ўзимнинг меҳнатдош ўртоқларим номидан айтаманки, тинчлик бизнинг ҳамиша эзгу истагимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ер юзида тинчликни сақлаш йўлида жуда катта куч-ғайрат сарфлаётган партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига бутун совет халқи астойдил миннатдорчилик билдираётганлигининг боиси ҳам шудир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида пролетар интернационализмининг аҳамияти тўғрисида яққол ва ишонарли гаплар айтди, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Бу сўзлар биз, совет ишчилари учун мавҳум тушунча эмас. Ишчиларнинг жаҳоншумул қардошлиги, бизнинг жипслигимиз ва бирдамлигимиз жабр-зулм ва эксплуатацияни тугатишга муқаррар олиб боришини биз яхши биламиз. Бутун халқимиз каби совет ишчилар синфи ҳам озодлик, социализм учун, мустаҳкам тинчлик учун курашдаги интернационал бирликнинг улуғ ишига пировардигача содиқ бўлиб қолади.

Бизнинг бригадамиз Ватанимизда ишлаб чиқарилган янги кончилик машиналарини Кузбассда биринчилар қатори ўзлаштиришга мушарраф бўлди. Ишчиларнинг ўртоқларча ўзаро ёрдами, ижодий ишлари, ташаббускорлиги, юксак техникавий ва профессионал билимдонлиги туфайли кейинги саккиз йил мобайнида биз ҳар куни минг тонна ва ундан ҳам кўпроқ кўмир қазиб чиқараяпмиз. Кузнецк кўмир ҳавзасида ҳозир шундай бригадалардан 95 таси ишлаб турибди.

КПСС XXV съездини ишонтириб айтамизки, деди сўзининг охирида Е. И. Дроздецкий, қалбимизнинг бутун ҳароратини, бутун ишчилик уқувимиз ва маҳоратимизни партия топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этиш учун, партиямиз съездида қабул этиладиган қарорларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга бундан буён ҳам сарфлай берамиз.

Ватанимиз коммунистик цивилизация чўққиларига кўтарилишнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги пайтда КПСС XXIV съезди қарорларининг улуғ ҳаётий кучи алоҳида салобат билан намоён бўлмоқда. Совет кишилари бу қарорларни ақл-идроклари билангина эмас, қалблари билан ҳам дилга яқин жонажон иш деб қабул қилган эдилар, деди Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. М. Машеров.**

У КПСС Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Мамлакат коммунистлари, барча совет кишилари, тараққийпарвар инсоният ,деб таъкидлади у, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қоидалар ва хулосаларга бениҳоя юксак баҳо бермоқдалар.

КПССнинг сиёсий йўли партиямизнинг, қаҳрамон совет халқимизнинг шон-шарафини оширувчи кенг миқёсдаги жозибадор зафарларда мужассамлашди, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Тольятти шаҳридаги азим автомобиль заводи, Ғарбий Сибирнинг табиий бойликлари ўзлаштирилаётганлиги, Россиянинг қора тупроқли бўлмаган зонасидаги бепоён ерларга қайтадан ҳаёт бахш этишнинг комплекс программаси, Камаз ва БАМ — халқ кучи билан барпо этилаётган ана шу ва бошқа кўпгина ишлар ва иншоотлар Советлар мамлакати баҳодирона куч-қудратининг, СССР халқлари оммавий меҳнат қаҳрамонлиги, ҳамдўстлиги ва интернационал қардошлигининг жонли исботи бўлиб хизмат қилади.

Тўққизинчи беш йиллик совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини янада кенг миқёсда ва ҳар тарафлама яхшилаш, социал неъматларни кўпайтириш ва шахсни уйғун равишда камол топтирувчи шарт-шароитларни мустаҳкамлаш учун ривожланган социализм имкониятларини рўёбга чиқаришнинг муҳим бурилиш нуқтаси, шонли босқичи бўлди. Совет халқининг Ленин партияси, унинг Марказий Комитети теварагидаги бирлиги ва жипслиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бу бирлик ва жипслик коммунизм идеалларига чуқур идрок билан ихлос қўйиш туйғусига асосланган бўлиб, янги-янги бунёдкорлик ишлари ва зафарларига тинимсиз интилиш ҳисларига тўлиб-тошгандир.

Белоруссия меҳнаткашлари партиянинг стратегик йўл-йўриқларига ва доно режаларига таяниб, мамлакат қардош халқларининг бирбирини бойитувчи ҳамкорлиги ва дўстлиги чашмасидан ҳаётбахш куч-ғайрат олиб, КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланган асосий иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли бажардилар, деди нотиқ сўзини давом эттириб.

Беш йиллик мобайнида миллий даромад 47 процент ошди. Саноатда беш йиллик план муддатидан илгари, 4 йилу 7 ойда бажариб бўлинди. Ишлаб чиқариш хажми 64 процент ортди. Индустриянинг асосий фондлари 1,7 баравардан зиёд, кейинги ўн йил ичида эса уч баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни анча ошириш таъминланди. Республика колхоз ва совхозларида саккизинчи беш йилликка нисбатан 22 процент кўп ялпи маҳсулот етиштирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотнинг асосий турларини давлатга сотиш соҳасида белгиланган беш йиллик план топшириқлари анча ошириб бажарилди. КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ давлат планларида кўзда тутилган энг муҳим объектларнинг ҳаммаси ишга туширилди. Ҳар бир оиланинг турмуши анча яхшиланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида коммунистик бунёдкорлик йўлида мамлакатни социал-иқтисодий, маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг катта миқёсдаги, жозибадор программаси баён этиб берилди. Белоруссия партия ташкилоти, меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда республика экономикаси ва маданиятини анча ўстириш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни бажарибгина қолмай, анча ошириб бажариш учун ҳам зарур бўлган ҳамма ишларни қиладилар, деди ўртоқ П. М. Машеров.

Фан ва илғор практика ютуқларини тезроқ жорий этиш — ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг асосий резервларидан биридир. Нотиқ академияга ва тармоқларга қарашли илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ўзаро боғланишни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида гапирди, фан билан ишлаб чиқаришни бирбирига мувофиқлаштириб олиб бориш проблемаларига катта эътибор берди.

Ўртоқ П. М. Машеров меҳнат сифатини оширишга олиб борадиган йўлларга кўп эътибор берди. Меҳнат коллективларининг социал вазифаларини кўпайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан амалга оширилган катта-катта тадбирлар совет кишиларининг активлигини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнамоқда, деб уқтирди у. КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш иши тўғрисида»ги, «Минск трактор заводи партия ташкилотининг меҳнат коллективи ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш соҳасидаги иши ҳақида»ги қарорлари, КПСС XXIV съездидан кейин қабул қилинган бошқа умумпартиявий ҳужжатлар республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Республика партия ташкилотлари шу қарорларни бажариш йўлида янги тажриба орттирдилар. Социал ва маънавий-ахлоқий жараёнларнинг характерини чуқурроқ тушунишни, шу жараёнларни анча билимдонлик билан самарали бошқаришни ўргандилар.

Ўртоқ П. М. Машеров совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни маданий ва маънавий жиҳатдан ўстириш проблемалари тўғрисида гапириб, шундай деди: Ёшларнинг, ҳамма совет кишиларининг сиёсий чиниққанлиги, ахлоқий софлиги ва етуклиги —бизнинг кучимиздир, коммунистик идеаллар учун курашда бизнинг ишончли қуролимиздир.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **М. С. Соломенцев** съезд минбарига чиқиб, бундай деди: Ҳозир коммунистларнинг, совет халқининг, бутун дунёдаги тараққийпарвар кучларнинг фикри-зикри ва ҳис-туйғулари Кремлга, улуғ Ленин партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездига қаратилган. Миллион-миллион кишилар ўзларининг энг эзгу орзу-умидларини шу тарихий воқеа билан боғламоқдалар. Нотиқ КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладидаги ҳамма хулосалар ва қоидаларни батамом ва тўла-тўкис маъқуллаб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти маъқуллансин, деган таклифни айтди.

Қардош республикаларнинг аҳил, жипслашган оиласидаги Россия Федерациясининг меҳнаткашлари XXV съездни меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик мислсиз жўш урган вазиятда кутиб олдилар, деди сўнгра у. Совет Россиясининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари совет халқининг ялпи ютуқларига катта ҳисса қўшдилар. Республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари муттасил юксак суръатлар билан ривожланди. Совет Россиясининг партия XXV съездига йўллаган меҳнат рапортига катта-катта электр станциялар ишга туширилганлиги, Кама заводининг дастлабки автомашиналари ишлаб чиқарилганлиги ва Байкал — Амур магистралининг дастлабки километрлари қурилганлиги, замонавий техника ва материаллар чиқарилганлиги ёзилган. Саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 87 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилганлигини нотиқ уқтириб ўтди. Социал программани рўёбга чиқариш давомида 45 миллион кишининг иш ҳақи оширилди. Булар — Россия Федерациясидаги жами ишчи ва хизматчиларнинг тўртдан уч қисмидир. Тахминан 9 миллион оила янги уйларга кўчиб чиқди.

Бу юксак кўрсаткичлар — партия XXIV съезди қарорларининг тўғрилигидан яққол далолат беради, бошланғич ячейкадан тортиб Марказий Комитетгача — бутун партиянинг жуда катта ташкилотчилик ишининг яққол якунидир.

Бугун Ҳисобот докладида баён этилган қоидаларни муҳокама қилаётганимизда социал сиёсатни амалга оширишда партиямиз йўлининг давомийлигини ғоят маъқуллашимизни изҳор этмоқчиман, деди сўнгра у. Ленин васиятлари йўлидан бораётган партия Марказий Комитети айниқса кейинги йилларда меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилаш йўлини қатъият билан ўтказмоқда. Бу йўл жамиятимизнинг олий мақсадларига муносибдир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш экономикани ривожлантиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда янги марраларга эришиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ўртоқ М. С. Соломенцев Россия Федерациясида катта илмий потенциал вужудга келтирилганлигини айтиш билан бирга, техника тараққиётининг актуал проблемаларини ҳал этишда илм-фаннинг имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаётганлигини уқтириб ўтди.

Ҳисобот докладидаги йирик проблемаларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ягона бошқарув системаси асосида олиб борилиши, бу ишга бутун масъулиятни ўз зиммасига олган конкрет органлар бошчилик қилиши лозимлиги тўғрисидаги қоида бениҳоя актуал масаладир.

Россия Федерациясининг ва бутун мамлакатимизнинг меҳнаткашлари партия аграр сиёсатининг бениҳоя ҳаётийлигига ўтган йиллар тажрибасида ишонч ҳосил қилдилар. Бу сиёсатни ишлаб чиқишда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми жуда катта роль ўйнади. Шу йиллар мобайнида колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш даражасини ошириш соҳасида қилинган ишларни коммунистик қурилишнинг бошқа биронта давридаги ишлар билан таққослаб бўлмайди.

Россия Федерациясининг қора тупроқли бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг шахсан Леонид Ильич Брежнев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, қабул этилган программаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида партия қилаётган ғамхўрликнинг янги далилидир. Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик ходимлари, барча меҳнаткашлари бу программани рўёбга чиқаришни ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар. Россия Федерацияси колхоз ва совхозларининг ходимлари қардош иттифоқдош республикалардаги илғор хўжаликлар, районлар ва областларнинг тажрибасидан фойдаланиб, интенсив ишлаб чиқариш йўлига янада активроқ ўта берадилар, хўжаликлараро асосдаги концентрация ва ихтисослаштиришни ривожлантира берадилар, қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлай берадилар. Қишлоқ меҳнатчилари партия аграр сиёсатининг принципини, КПСС Марказий Комитети Ҳисобот докладининг йўл-йўриқларини амалга ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

Совет жамиятининг бутун турмуши, бизнинг ҳамма муваффақиятларимиз Коммунистик партиянинг фаолияти билан боғланган, деди ўртоқ М. С. Соломенцев. Ҳисобот даврида ленинчи партиямизнинг раҳбарлик роли кўтарилди, унинг обрў-эътибори янада кўпроқ мустаҳкамланди. Партия сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва сиёсий ишнинг янги тажрибаси билан бойиди. Совет халқи ўзининг жанговар авангарди — коммунистлар партиясига чексиз ишонч билдирмоқда. Партия билан халқнинг мислсиз бирлиги— совет жамиятининг қудратли, бунёдкор кучи бўлиб қолди.

Бугун биз партиянинг мамлакатимиз турмуши ҳамма соҳаларидаги баҳодирона ишини қайд қилар эканмиз, КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленуми қарорларида белгилаб берилган, партиянинг XXIII ва XXIV съездларида ишлаб чиқилган йўлнинг чинакам тарихий аҳамиятини тўла-тўкис баҳолай оламиз. Биз эришган муваффақиятлар Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг буюк сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз, деди нотиқ. Леонид Ильич ленинча иш услуби, сиёсий донолиги ва инсонийлиги, совет халқининг бахт-саодати тўғрисида ,тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиши туфайли бутун халқнинг таҳсини ва чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

Замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби ўртоқ Брежневнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимидаги фаолиятининг ана шу ҳамма фазилатлари партия билан Совет мамлакатининг обрў-эътиборини янада баланд кўтарди, ҳаммамиз ҳузур қилиб, қувонч билан яшайдиган ва ишлайдиган ижодий вазиятни вужудга келтирди.

Ўртоқ М. С. Соломенцев ишонтириб айтдики, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликни янги-янги катта зафарлар билан нишонлаш, коммунизм қурилишининг партия белгилаб берган улуғвор режаларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарф қиладилар.

Мажлис аҳли Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Э. Герек**ни қизғин давомли қарсаклар билан кутиб олди. Ўртоқ Э. Герек совет коммунистларига поляк коммунистларидан қардошлик саломи топширди ва поляк халқининг совет халқига самимий дўстлик туйғуларини изҳор этди.

КПССнинг XXV съезди — сизларнинг улуғ партиянгиз ва Советлар мамлакати ҳаётидаги буюк воқеадир, деди у. Айни вақтда бу съезд — бутун дунёда тинчлик ва социализм кучлари учун жуда катта воқеадир. Биз ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг янги ва чуқур ғоявий, сиёсий ҳамда социал-иқтисодий мазмунга бой докладини эътибор бериб тингладик. Мажлислар залида ва унинг ташқарисида Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари, халқи олиб бораётган муҳокама Ленин ғояларига содиқликни, келажакка ишончни, партиянинг Марказий Комитети ҳамда унинг Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагидаги жипслигини намойиш қилмоқда.

Биз сўнгги беш йиллик муваффақиятлари хусусидаги сизларнинг мамнуниятингизни сизлар билан бирга қардошларча баҳам кўраяпмиз, деди сўнгра нотиқ. КПСС XXIV съезди қарорларининг бажарилиши Совет давлатининг қудратини оширишга ва унинг гражданлари фаровонлигини ўстиришга кўмаклашди. Бу нарса социалистик давлатлар уюшмасининг кучини кўпайтиришга ва мустаҳкамлашга имкон берди. Съезд белгилаган Тинчлик программаси кескинликни юмшатиш жараёнини кенгайтирди ва чуқурлаштирди, умуман халқаро муносабатлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

КПССнинг ҳозирги XXV съезди бу муваффақиятларни кўпайтиради, социализм назарияси ва практикасини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади, янада кенг уфқлар очиб беради, деди ўртоқ Э. Герек. Биз сизларга коммунистик жамият қурилишида, социализм ва тинчликни мустаҳкамлаш ишида янада олға босишда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Коммунистларнинг бу муштарак буюк ишига бизнинг мамлакатимиз — Польша Халқ Республикаси ҳам муҳим ва конкрет ҳисса қўшмоқда.

Партиямизнинг VII съезди ўтган 30 йиллик тарихий ютуқларга таяниб, марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, Польшада ривожланган социалистик жамият қуриш программасини ишлаб чиқди.

Қардошларча поляк—совет муносабатлари XX асрнинг тарихий жараёнлари ва воқеалари натижасида юзага келди, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Э. Герек. Партияларимизнинг ғоявий бирлиги поляк ва рус ишчилар синфининг 1905 — 1907 йиллар революциясида биргаликда олиб борган кураши давридаёқ бошланган эди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида В. И. Ленин эълон қилган ҳуқуқни амалга ошириб, босқинчилик шартномаларини бекор қилди, Польшага мустақиллик йўлини очиб берди. Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган зафарли курашда поляк—совет қуролдош, қардошлиги халқларимизнинг дўстлигини мустаҳкамлади. Бизнинг халқимиз Совет Армиясининг, Польша озодлиги йўлида ўз қонини тўккан ва жонини фидо қилган совет солдатларининг халоскорлик миссиясини ҳеч қачон унутмайди. Кейинги йилларда поляк—совет ҳамкорлиги янада кенг миқёсда ривожланди, жумладан, гуркираб ривожланаётган иқтисодий алоқалар туфайли янги мазмун билан бойиди. Поляк — совет ҳамкорлиги ҳамма соҳаларда муттасил ривож топаётганлиги партияларимиз, ҳукуматларимиз, халқларимиз муштарак хоҳиш иродасининг ифодасидир, уларнинг муштарак ишидир. Буларнинг ҳаммасига КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати жуда катта ҳисса қўшаётганлигини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта шахсий хизматини кўриб турибмиз, бизнинг партиямиз билан халқимиз ўртоқ Л. И. Брежневга зўр ҳурмат ва астойдил меҳр-муҳаббат билан қарайдилар.

Халқаро хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш — бизнинг буюк ва олижаноб мақсадимиздир, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Э. Герек. Биз ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш, шунингдек бошқа актуал халқаро проблемалар хусусида тинчлик ва тинч ҳамкорлик учун атоқли курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев илгари сураётган ҳамма таклифларни қизғин қўллаб-қувватлаймиз. Польша Хельсинкидаги кенгашнинг ўзи имзолаган Якунловчи актига мувофиқ равишда иш кўрмоқда ва иш кўра беради.

Биз КПССнинг социализм кучлари ғоявий бирлигини, бошқа демократик ҳаракатлар билан, бутун дунёда социал тараққиёт йўлидаги курашчилар билан биргаликда ҳаракат қилишни мустаҳкамлаш масаласи юзасидан съездда баён этилган позициясига тўла-тўкис қўшиламиз, деди нотиқ пировардида.

Раислик қилувчи Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ле Зуан**га сўз беради. Залда ҳозир бўлган кишилар уни қизғин давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Тараққийпарвар инсоният, деди ўртоқ Ле Зуан, бутун дунё миқёсида социализм ғалабаси даврини очиб берган Улуғ Октябрь революциясидан абадий миннатдор бўлаверади, Совет Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушидаги шонли ғалабаларини абадий эслай беради.

Совет халқи беҳисоб қийинчиликлар, машаққатлар ва маҳрумликларни бартараф этиб, жуда катта қурбонлар бериб, темир ирода ва мислсиз қаҳрамонлик кўрсатди, биринчи бўлиб зафарли социализм қурди ва эндиликда коммунизм йўлини очиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида совет халқи революцион қаҳрамонлиги ва ижодий талантининг гўзал манзараси чизиб берилди, деди сўнгра нотиқ. Эндиликда Совет Иттифоқи дунёдаги энг қудратли социалистик давлат бўлиб қолди. У замонамизнинг революцион кучлари қудратини мустаҳкамлашда бениҳоя катта роль ўйнаб келди ва ўйнамоқда. СССР миллий-озодлик ҳаракатига, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашга мадад бермоқда, империализмнинг уруш оловини ёқиш йўлидаги кирдикорларини барбод этмоқда, Европада ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилмоқда.

Астойдил ўртоқлик ва қардошлик туйғуларига тўлиб-тошган Вьетнам меҳнаткашлар партияси билан Вьетнам халқи Совет Иттифоқининг ғалабаларини ўз ғалабалари, деб биладилар ва совет халқига Коммунистик партия раҳбарлигида ўнинчи беш йиллик планни амалга оширишда чин кўнгилдан янги, янада ажойиб муваффақиятлар тилайдилар.

Ҳозир Вьетнам халқи ўз тарихидаги энг бахтли дамларни кечирмоқда, деди сўнгра ўртоқ Ле Зуан. Мамлакат қуролли кучлари ва халқи Америка империализмининг энг шафқатсиз агрессиясига қарши курашда тўла ғалаба қозониб, Жанубий Вьетнамни батамом озод қилдилар. Энг ажойиб давр — тинч, бирлашган, мустақил ва социалистик Вьетнамни барпо этиш даври бошланди.

Ҳозирги вақтда партиямиз янги босқичда уруш жароҳатларини тезроқ даволаш, янги мустамлакачилик оқибатларини бартараф этиш, мамлакатни ягона давлатга қайта бирлаштиришни тугаллаш ва уни социализм йўлидан ривожлантириш соҳасидаги, дунё халқларининг революцион ишига актив ҳисса қўшиш йўлидаги қийин, аммо шонли вазифаларни бажариш учун , курашда Вьетнам халқига раҳбарлик қилмоқда.

Октябрь революциясини халқ ва мамлакатга нажот берувчи бирдан-бир йўл деб билган биринчи вьетнамлик коммунист ўртоқ Хо Ши Мин бундан ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ленин Ватанига келиб, улуғ Вьетнам — Совет дўстлигига замин яратган эди. Иккала мамлакатнинг партиялари ва халқлари бу дўстлик ва бу бирдамликни ривожлантиришга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, бу дўстлик ва бирдамлик кун сайин мустаҳкамланиб, ривожланмоқда, равнақ топиб, ўз самараларини бермоқда.

Вьетнам халқи ўзининг олға томон қўядиган ҳар бир қадами, Вьетнам революциясининг ҳар бир ғалабаси Совет Иттифоқида рўй бераётган энг муҳим тарихий воқеалар билан узвий равишда боғлиқ эканлигини илгаригидек ҳозир ҳам жуда яхши тушуниб турибди.

Ҳозирги вақтда КПСС, СССР ҳукумати ва совет халқи экономикани қайта тиклаш ва ривожлантиришда, социализм қуришда Вьетнам халқига чин кўнгилдан ёрдам бермоқдалар. Вьетнам халқининг миллий озодликка ва социализмга эътиқоди нақадар чуқур бўлса, у буюк Вьетнам—Совет дўстлигини шу қадар юксак қадрлайди.

Ўртоқ Ле Зуан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР ҳукумати, совет халқи Вьетнам халқига мадад ва ёрдам бериш ишини қалб амри, виждон иши деб ҳисоблаётганликлари учун уларга Вьетнам меҳнаткашлар партияси, Вьетнам ҳукумати ҳамда халқи номидан астойдил ва чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Шу билан эрталабки мажлис тугади.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

*КПСС XXV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ*

# БРИГАДИР

Қўлимизда КПСС XXV съезднинг делегати, Англрендаги 9-шахта новалоотбойшчилар бригадаси бошлиғи Абдурахмон Маматовнинг меҳнат дафтарчаси ва шахсий анкетаси.

У 1948 йил шахтага оддий ишчи бўлиб келган. Икки йилдан сўнг новалоотбойшчиликка ўтказилибди. Орадан яна бир неча йил ўтгач бригадага бошлиқ этиб тайинланган. 1960 йил иккинчи даражали «Шахтерлик шуҳрати», 1963 йили эса учинчи даражали «Шахтерлик шуҳрати», 1966 йил «Фахрли шахтер» кўкрак нишонлари билан тақдирланибди... 1965 йил Ленин ордени билан тақдирланган...

Булар — оддий ва ажойиб ишчи, шаҳар партия комитети аъзосининг меҳнат биографиясидан баъзи кўчирмалар.

Кўз олдимизда баланд бўйли, ҳар гапида кулиб турадиган Абдурахмон аканинг чехраси гавдаланади. Тўққиз фарзандни тарбиялаётган ота онла ҳаётидан ҳам, ишидан ҳам мамнун. Унинг икки фарзанди олий ўқув юртларида ўқимоқда. Шахтада у бошлиқ бригада коллективи доимо пешқадамлар сафида.

— Абдурахмон Маматов, —дейди участка бошлиғи Хон Фёдор,— участкамиздагина эмас, шахтамизда ҳам ишбилармон устоз, ҳар бир ишчини қобилиятига қараб вазифаларни тўғри тақсимлай оладиган ажойиб командир.

Яқинда участкада КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси муҳокама қилинди. Шунда бригада бошлиғи Абдурахмон Маматов меҳнат унумдорлигини ошириш, ёғоч материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш тўғрисидаги мулоҳазаларини айтди. Бригада аҳли билан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Янгидан-янги резервлар қидириб топилди.

У бир кун сменадан сўнг бригада аъзоларига «Бугун бирга кетамиз», деб тайинлади. Демак, бригада бошлиғи яна иманидир ўйлаб топган.

— Ўрта ҳисобда,— деди бригадир йўлда,— ҳар икки суткада забойга қараб транспортер жойи ўзгартирилади. Иш жараёнини яхшироқ ўрганиб, тезлаштириш йўлини қидирсак?!

Тўсатдан айтилган бу мулоҳазага жавобан ҳеч ким бир нима дея олмади.

— Ўйлаб кўринглар-а,— давом этди бригадир.— ҳар гал бир неча минутдан тежаб қолганимизда ҳам бир йилда вақтдан ўзиб, вагонвагон кўмир қазиб олиш мумкин бўлади. Ражаб билан Эдим юқори риштакларни яхши билишади. Абдулла ака билан Мирзаали забойга яқин қисми билан шуғулланишади. Хуллас, ҳаммамизга вазифа бор. Бундан буён ҳар киши ўз қисмига жавоб беради ва шу соҳада малакасини ошириб боради.

Орадан бир неча кун ўтди. Шахтада қизиқ хабар тарқалди: «Абдурахмон Маматов бошлиқ бригада аъзолари транспортёр кўчиришни нормадаги уч соат ўрнига икки соатда бажаришаётган эмиш». Баъзилар дафъатан ишонмади, баъзилар эса омилкор бригадирнинг яна бир янгилик топганини тушунишди. Ҳақиқатан бригада аъзолари ажойиб ғалабани қўлга киритган эдилар. Ҳар икки кунда бир соат вақтни тежаб қолиш!

Бригада социалистик мусобақада ҳам пешқадамлик ни қўлдан бермай келаётир. Ўтган йили бригадаларароо мусобақада беш марта кўчма вимпел ва пул мукофотини олишга муяссар бўлди. Ўтган беш йилликда пландан ташқари 45 минг тонна кўмир қазиб чиқарилиб, беш йиллик план эса тўрт йилда адо этилди. Ҳозир бригада календарида 1977 йил.

Абдурахмон Маматов раҳбарлик қилган бригада азаматлари КПСС XXV съезди очиладиган кунгача пландан ташқари 800 тонна «қора олтин» қазиб чиқаришга азму—карор қилишган эди. Азамат кончилар бу ваъдани шараф билан адо этиб, янги марралар сари шахдам боришмоқда.

Б. ПЎЛАТОВ.

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган пойтахтдаги «Малика» трикотаж фирмаси икки ойлик планни муддатидан илгари ошириб бажарди.

* * *

Область полиграфия корхоналари коллективлари 23 февралда босма маҳсулотларини реализация қилиш икки ойлик плани ва социалистик мажбуриятни шараф билан адо этдилар.

* * *

Чиноз райони меҳнаткашлари партиямизнинг XXV съезди шарафига ўзаро мусобақани қизитиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш икки ойлик планини 23 февралда бажардилар.

## ПЛАНДАН ТАШҚАРИ КОМПРЕССОРЛАР

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезднинг очилишига икки ойлик топшириқни барвақт бажариш билан рапорт бердилар. Давлат планидан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди, пландан ташқари шунча фойда олинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг жамики ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бу кўрсаткич икки ой ичида пландагидан 5,5 процент ортиқ бўлди.

Партия XXV съезди арафасида токарлар А. Волков, К. Муҳитдинов, рандаловчи Н. Катенов, қолипловчи А. Болтабоев ва бошқалар жуда яхши ишладилар. Улар квартал топшириқларни заводда биринчи бўлиб бажардилар. Кўпгина ишчилар улардан ўрнак олдилар. 70 дан ортиқ киши уч ойлик программани бажариб қўйди.

«Компрессор» коллективи зардбор вахтани давом эттириб, съезд кунларида жуда кўп маҳсулот ишлаб чиқарилишига эришишга қарор қилди. (ЎзТАГ).



# СОҲИБКОР ОТА

Бир қишлоқ чойхонаси ёнидаги толзорни чойхўрлар Юсуп ота толи дейишади. Бўш ётган шу ерга Юсуп отанинг бир оғиз сўзи билан одамлар хашар қилиб тол экишган. Арзимаган беш-олтита тол экишга бош бўлгани учун одамлар Юсуп отани ҳамон ҳурмат билан эслашади. Лекин Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг боғдорчилик, айниқса узумчилик соҳасида қилган ишлари олдида Юсуп отанинг иши лоақал урвоқ ҳам бўлолмайди. Ризамат ота улкан соҳибкор. Бу соҳада унинг қилган ишлари жуда кўп одамларга, машҳур олимларга, чет эллик меҳмонларга кўп манзур бўлган.

1881 йилда Тошкентда туғилган Ризамат ота 1895 йилда Иванов савдо фирмасига қарашли «Дегрес» узумчилик хўжалигида отаси билан бирга ишлай бошлади. У шу ерда узумчиликда йирик мутахассис Исак Маркович Стекольников раҳбарлигида 22 йил ишлаб катта тажриба орттирди. Мен, Рихард Рихардович Шредердан ҳам узумчилик соҳасида кўп таълим олдим, -- деди Ризамат ота. Ана шу олимлар, мутахассислар раҳбарлигида кўп йиллик тажриба натижасида Ризамат ота атоқли ва машҳур соҳибкор бўлиб етишди.

Айниқса СоюзНИХИнинг Оққовоқ тажриба станциясида ташкил этган 40 гектарли токзори унинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Ризамат ота раҳбарлигида барпо этилган бу токзорлар Ўрта Осиёда энг юқори ҳосил берадиган намунали токзор бўлди. Ана шу токзорни кўрган олимлар, йирик давлат арбоблари, чет эллик меҳмонлар Ризамат отага юксак баҳо берганлар.

Масалан, академик Вавилов ўша вақтда шундай деб ёзган. «Ризамат Мусамуҳамедовнинг ажойиб токзори учун унга Советларча катта раҳмат. Ризамат ва унинг йўлидан борувчиларга шоншарафлар бўлсин».

«Ризамат Мусамуҳамедов томонидан бажарилган ажойиб иш кишида чуқур таассурот қолдиради», — деб ёзган Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг собиқ қўмондони, армия генерали марҳум Иван Петров.

Молдаван вакиллари шундай деб ёзишган: «Ризаматнинг ажойиб тажрибаларини Молдавиянинг йирик токзорларида қўллаш учун ҳамма тадбирларни кўрамиз».

Ризамат ота токни қалпоқли симбағазда ўстириш, сўрида ўстириш тўғрисида кўп тажрибалар ўтказди. У ўсимликни ўстиришда Мичурин методлари, халқнинг бой тажрибалари ва ўзи ишлаб чиққан усулларни қўллаб узумдан аъло сифатли мўл ҳосил олишга эришган ажойиб соҳибкор.

Бундан ташқари Ризамат ота ток кесиш, ток тупларини ишлов бериш усуллари ва уларни қандай ўстириш тўғрисида кўп тажрибалар ўтказди. Масалан, Оққовоқ тажриба станциясида ток тупларига шакл бериш ва уларни кесишни энг яхши усуллари қўлланди. Ҳосилдор, ўсувчан ўринбосар новдалар токлардан муттасил юқори ҳосил олишни таъминлайдиган қилиб кесилди.

Ризамат ота раҳбарлигида Тошкент областининг Калинин, Оржоникидзе, Паркент, Фарғона областининг Бағдод, Сирдарё областининг Боёвут районларида ва бошқа жойлардаги жуда кўп колхозларда токзорлар яратилди, боғлар барпо этилди. Умуман Ризамат ота раҳбарлигида яратилган боғ ва токзорлар 1680 гектардан ҳам ошиб кетди.

Ризамат отанинг боғдорчилик, токзорчилик соҳасида қилган узоқ йиллик меҳнати ҳар қанча тақдирга сазовор. Шредер номли боғдорчилик ва токзорчилик институтининг Самарқанд филиали селекционерлари яратган узум навига «Ризамат» деб ном берилиши олимларнинг унга бўлган ҳурматининг тимсолидир.

Атоқли соҳибкор токни сўрида ўстириш, қирқиш, шакл беришдан ташқари ток ўтказишда техникадан қандай фойдаланиш усулларини ишлаб чиқди. Бу усулда ток ўтказилса 1 гектар ерга сарфланадиган меҳнатдан 23 меҳнат куни тежаб қолиш имконини берди. Шунинг учун ҳам атоқли олим, давлат мукофоти лауреати профессор А. М. Негруль ўзининг «Токзорчилик» деган китобида бундай деб ёзди: Ўзбекистоннинг ажойиб соҳибкори Ризамат Мусамуҳамедов қадимий ўзбек ишкомларини қайта тиклаб яхшилади. Бунинг натижасида ишком ораларида тракторнинг бемалол юра олиши учун шароит яратилди».

Ўзбекистон олимлари томонидан ёзилган ва ҳозир севиб ўқиладиган «Ўзбекистон токзорчилиги» китобида ҳам Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг методларини ишлаб чиқаришда кенг равишда қўллаш усуллари баён этилган.

Кекса соҳибкор фақат Ўзбекистондагина эмас, қардош Молдавия, Арманистон, Озарбайжон ва Тожикистон Совет Социалистик республикаларининг соҳибкорлари билан ток кесиш, токка шакл бериш тўғрисидаги ўз иш тажрибаларини ўртоқлашиб келмоқда.

Машҳур соҳибкор Ризамат ота ҳозир 95 ёшга қадам қўйди. У билан суҳбатлашсангиз, дарҳол боғдан, узумзорлардан гап бошлайди. Одамларнинг бахри-дилини очадиган боғ-роғлар ҳақида тўлқинланиб сўзлай бошлайди. Қалб қўрини қўшиб яратган боғларини, токзорларини таъриф-тавсиф эта бошлайди. Халқ бахти-саодати, фа ровон ҳаёти йўлида меҳнат қилиб боғлар яратган бу азиз мўътабар кишини ҳурмат билан ҳамма ота, улкан соҳибкор дейди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳбири.

# ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитети 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишнинг февраль ойи иккинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилди.**

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ** районига (район партия комитетининг секретари **М. К. Қодиров**, район ижроия комитетининг раиси **П. С. Мирсолиҳов**, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари район комитетининг раиси **И. Султонова**, район комсомол комитетининг секретари **И. Салимов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, кузги-қишки тадбирларни ўтказишни назорат қилиш группаси раҳбари **И. Холмонов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **И. Каримов**, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи **Р. Абдуллаев**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори **Л. Л. Ткачев** ўртоқлар) берилди.

Байроқ Бекобод районидан олиб берилади.

Тошкент, Бўка, Бекобод, районларининг 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажариш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Қуйи Чирчиқ, Пискент районлари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътибори 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни суст ўтказаётганлиги, бу районлар кузги-қишки ишлар бўйича область оҳирги ўринларда қолаётганлигига жалб этилди.

Область матлубот жамиятига Юқори Чирчиқ райони колхоз ва совхозлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, суғориш тармоқлари, район бошқармаси, илғор ходимларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратиш тоширилсин.

## ЖАҲОН РЕКОРДЛАРИ

Ўрта вазнда мусобақалашадиган оғир атлетикачи В. Шарий Тулада ўтказилган мусобақада 205 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, ўзига қарашли жаҳон рекордини 1,5 килограммга оширди. Бу қобилиятли спортчи икки курашда ҳам яна бир рекорд ўрнатди. Эндиги рекорд 367,5 килограммга тенг бўлиб қолди. Бу мусобақада яна бир спортчи В. Лисенко штангани силтаб кўтаришда 154 килограмм натижага эришиб жаҳон рекордини 1 килограммга оширди.

## УРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Шу кунларда бир қатор футбол клублари Қора денгиз соҳилида янги мавсумга тараддуд кўришмоқда. Командалар бу ерда мавсум олди машғулотларини ўтказиш билан бирга баҳорги турнирларда қатнашишмоқда. Навбатдаги тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Москванинг «Торпедо» футболчилари, Краснодарнинг «Кубань» коллективига 0:1 ҳисобида ютқазишди. «Днепр» Москванинг «Локомотив» коллективиги 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Куйбишевнинг «Крылья Советов» коллективи билан Кишиневнинг «Нистру» ўртасидаги учрашувида ҳисоб очилмади.

## ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Боку ва Ереванда қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилиги учун биринчи группа иштирокчилари ўртасида ўтказилган иккинчи давра мусобақалари ниҳоясига етди. Ўзбекистон Давлат физкультура институти командаси биринчи турда тўрт очко тўплаган эди. Тошкентлик спортчилар иккинчи даврада бирмунча яхши қатнашиб, 6 та очко тўплашди ва жаъми очколарни 10 тага етказишди. Командамиз сўнгги турларда Тирасполь спорт клуби командасини 31:24, Краснодар спортчиларини эса 22:19 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Якунловчи финал баҳслар олдидан «Гранитас» командаси—18, «Тирасполь» — 12, «Большевик» (Ленинград), «Целтниекс» (Рига) ва тошкентлик гандболчилар 10 тадан, «Таурас» (Шяуляй») 8 очкога эга. Бу олтиликнинг ўзаро баҳсида дастлабки икки ўринни эгаллаган команда олий лигага йўлланма олади.

Тўқимачилик клуби гандболчилари эса охирги турларда Олмаотанинг «Буревестник» командасига 15:17 Свердловскнинг «Калининец» командасига 17:18 ҳисобида ютқазиб, финал олтиликка киролмади.

## ЮТУҚ ВА МАҒЛУБИЯТ

«Динамо» волейболчилари ўзларининг навбатдаги учрашувларини ленинградлик клубдошлари билан ўтказдилар. Бу ўйинга қадар ҳар иккала коллектив фақат бир мартадан мағлубиятга учраган эди. Рақиблар турнир жадвалида яна ён қўшни бўлиб қолдилар. Биринчи ўйинда тошкентликлар 3:1 ҳисобида устун келишган бўлишса, иккинчи баҳсда меҳмонлар худди шундай ҳисобда ғалабага эришдилар. Ҳар иккала коллектив ўз группасида пешқадамлар сафида бормоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

# ЗАРБДОР ВАХТАДА

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари КПССнинг XXV съезди шарафига мусобақани кенг қулоч ёйдириб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан икки ойлик давлат планини барвақт бажардилар. Ф. Э. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинати билан Жиззах оҳак заводининг ишчилари мусобақада пешқадам бўлдилар.

Министрлик корхоналари февраль охригача пландан ташқари 1,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилмоқчи.

* * *

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотлари ва корхоналарининг меҳнаткашлари партия XXV съезди очиладиган кунда январь-февраль ойи ишларининг программаси барвақт бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Октябрь революцияси орденли 93-махсус трест, «Ўзпромвентиляция» трестининг коллективлари янги беш йиллик биринчи йили бошланишида бошқалардан яхшироқ меҳнат қилдилар. Министрликнинг бўлинмалари икки ойлик топшириққа қўшимча 1,4 миллион сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

# ҒАЛАБА РАПОРТИ

Тошкент заготхлопкопром бирлашмасининг пахта тайёрлаш заводларининг коллективи маҳсулотни реализация қилиш тўққизинчи беш йиллик планини муддатидан олдин ошириб бажарди. Беш йилликда пландан ташқари 57897 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 21006 тонна тола, 6459 тонна момиқ пландан ташқари ишлаб чиқилди.

Коллектив ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки ойи юзасидан зиммасига олган ошириллган мажбуриятни ҳам муддатидан олдин — 23 февралда асосий техника иқтисодий кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бажарди.

Давлат планларини ва социалистик мажбуриятни бажаришда Алимкент, Янгийўл, Бекобод, Пискент пахта тозалаш заводлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Планни муддатидан олдин бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтирган бу заводларнинг илғор бригада ва мастерлари янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Янгийўл пахта тозалаш заводининг А. Абдуллаев бошлиқ бригадаси, Бекобод пахта тозалаш заводининг мастери Р. Бикова, Алимкент пахта тозалаш заводининг ишчиси А. А. Валиева ва бошқа кўпгина илғорлар смена топшириқларини ошириб бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

— Биз, — дейди бригадашма бошлиғи ўртоқ Т. У. Атаметов,—ўнинчи беш йиллик юзасидан зиммамизга олган социалистик мажбуриятни муддатидан олдин шараф билан бажариш учун барча куч ва имкониятларни ишга соляпмиз. 1976 йил планини 20 декабргача бажариб, пландан ташқари 18,5 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қиламиз. 3360 тонна тола, 562 тонна момиқ ишлаб чиқилади.

Пахта тайёрлаш заводларининг ишчи ва хизматчилари уруғлик чигитни муддатидан олдин экишга тайёрлаб қўйишади. Шу билан бирга янги ҳосилни қабул қилиш учун майдонлар тартибга солинади, заводлар ремонт қилинади.

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИНИНГ САҲИФАЛАРИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди жаҳон матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар съезднинг биринчи иш куни тўғрисида катта-катта ҳисоботлар босиб чиқармоқда, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев докладини тўла ёки баёнини бермоқда. Газеталар шу ҳужжатга бош мақола ва редакцион мақолаларни, шарҳларни бағишламоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида, деб ёзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, Совет Иттифоқининг иккинчи съезд ўртасидаги даврда ҳамма соҳаларда эришган каттакатта муваффақиятлари, КПССнинг XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини амалга оширишда халқаро майдонда эришилган улуғвор ғалабалар чуқур марксча-ленинча анализ қилиш асосида ажойиб тарзда кўрсатиб берилган.

Шу кунларда Москвага диққат-эътибор берилаётганлиги, деб ёзади Польшанинг «Трибуна люду» газетаси, миллион-миллион кишиларнинг ҳозири ва келажагини шакллантиришда қудратли социалистик давлат ҳал қилувчи ролининг мантиқий натижасидир. Бу нарса коммунистик ҳаракат пешқадам отряди бўлмиш КПССнинг Ленин ғоялари, тинчлик ва социализм иши ғалабаси учун курашга қўшган улуғвор ҳиссасининг натижаси ҳам ҳисобланади. Шу натижалар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев докладида тўла-тўкис акс эттирилди.

Съездда Л. И. Брежнев қилган доклад айни маҳалда оптимистик ва реалистик бўлди, деб ёзади Францияннинг «Юманите» газетаси. Брежнев ташқи сиёсат доирасида халқларнинг тинчлиги ва халқаро ҳамкорлиги учун, озодлик ва мустақиллиги учун кураш программасини сабот-матонат билан амалга ошириб боришни ва ички сиёсатда халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражаси доимо ошириб борилишини асосий вазифалар сифатида олға суриб Совет Иттифоқининг сиёсати изчиллигини таъкидлади. Л. И. Брежневнинг халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида умумжаҳон шартномасини тузиш ҳақидаги таклифига кўп давлатлар қўшилади, чунки бу таклиф тинчлик мустаҳкамланишидан ғоятда манфаатдор бўлган халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушади.

Англияда чиқадиган «Таймс» газетасининг биринчи саҳифасида йирик ҳарфлар билан берилган сарлавҳада «Москва музокараларни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун қуролли кучлар қисқартирилишини таклиф қилмоқда. Брежнев кескинликни юмшатиш муҳолифларини танқид қилмоқда» дейилади. Совет партия раҳбари кескинликни юмшатиш сиёсатига асосий эътибор берди, деб ёзади газета. Л. И. Брежнев нутқининг асосий моҳияти ҳозир дунёда Совет Иттифоқининг тутган позицияси ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ эканлигини кўрсатади. (ТАСС).

# ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРДА

### СОФИЯ

Болгария оғир индустриясининг пешқадам корхонаси Зкремиков металлургия комбинатининг ходимлари эришган рекорд ютуқларини КПСС XXV съездига бағишладилар. «1150» станининг прокатчилари бир суткада 8.929 тонна прокат маҳсулот ясаб пландан 1679 тонна ошириб юбордилар. Болгария прокатчилари ватан металлургияси тарихида биринчи марта шундай муваффақиятга эришдилар.

Комбинатда ишлаётган совет мутахассислари коллективнинг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

### ПРАГА

Прагада очилган совет графиканинг виставкаси «Съезддан-съездгача» деб аталди. У КПССнинг XXV съездига бағишланди. Совет Иттифоқидаги турли халқларга мансуб 50 нафар рассомнинг плакатлари, китоб ва журналларга ишлаган расмлари намойиш қилинмоқда. Виставкада кўрсатилаётган ишларда В. И. Ленин образи, улуғ Октябрь социалистик революцияси, улуғ Ватан урушида қозонилган ғалаба, коммунистик қурилишда совет халқи эришган улуғвор муваффақиятлар мавзу қилиб олинган.

### БУДАПЕШТ

25 та социалистик бригада таклифига биноан Чепель металлургия ва машинасозлик комбинатининг коллективи КПСС съезднинг делегатларига табрикнома юборди. Венгрия индустриясида шу пешқадам корхонанинг социалистик бригадалари совет коммунистларининг Москвада ўтаётган анжуманн шарафига съездларга бағишланган вахтанинг ташаббусчилари бўлиб чиқди. (ТАСС).


# РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН 149-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—77 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: биринчи, пойафзал устини тайёрловчи, пойафзал фрезерчиси, уснуналарга хизмат кўрсатиш бўйича ремонтчи-слесарь ва электрик-қолипловчи.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8—9-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БУЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР, ҲАМДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар Тошкент шаҳрига доимий прописка қилинадилар, кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

ЕЛГИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЕЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соглиги тўғрисидаги 286-формали справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес, Тошкент шаҳар, «Домбробод» массиви, «Гавҳар» кўчаси, 124-уй (18-трамвайнинг сўнгги, 16-троллейбус, 14-автобуснинг «2-пойафзал» фабрикаси бекатлари). Телефон 76-77-95.

# КИНО

26 ФЕВРАЛДА

Мақсад сари — САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (11.00, 13.00, 18.45, 21.45), «МОСКВА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Полиция комиссари қоралайди — «ҚОЗОҒИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Еру осмон ўртасида — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 14.00, 20.00), «ДРУЖБА» (12.00, 14.00, 18.00).

Биринчи қалдирғоч — «ДРУЖБА» (16.00, 20.00).

«СОЮЗГИПРОЛЕСХОЗ» институтининг

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИГА

лойиҳа ишлари учун инженер-электриклар, инженер-сантехник, архитекторлар, омбор мудири

## КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

# ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27II да Уйланиш, 28II да Аяжонларим, 29II да Мен Чилига ишонаман.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26II да Кўнгли ёш қариялар, 27II да Қонли тўй, 28II да Ужарлар, 29II да Қўлга тушмаган ўғрими.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—03219. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64634. В. 2497.